BUXORO VILOYATI ROMITAN TUMANI HOKIMINING QARORI

201000, Romitan tumani, Buxoro ko'chasi, 3-uy, tel: (65) 55-2-14-45, romitan.t@exat.uz

2022 - yil 13 - dekabr 572-2-40-Q/22 Romitan tuman hokimligi

Ромитан туманидаги қабристонларда дафн этиш хизматларини кўрсатиш бўйича тарифлар миқдорини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг "Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида"ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011-йил 4-апрелдаги "Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида"ги 101-сон қарори билан тасдиқланган низомга мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 6-25-моддасига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ромитан тумандаги қабристонларда дафн этиш хизматларини кўрсатиш бўйича тарифлар миқдори иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Туман ҳокими ўринбосари (А.Шодиев), туман ободонлаштириш бошқармаси (Я.Жўраев)ларга:

Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда қабристонларни зарур даражада сақлаш ва ободонлаштириш ҳамда ҳашарлар, хотирлаш кунлари ва бошқа тадбирларни ташкил этиш;

Санитария қоидалари ва меёрларига қатиян риоя этган ҳолда қабристонларни очиш ва ёпишда қонунийликни таъминласин, қабристонлар ташкил этиш учун ер участкаси ажратишни ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширсин.

3. Туман ободонлаштириш бошқармаси (фуқаролик хизмати кўрсатиш бошқармалари) Я.Жўраевга:

Хизматлар учун қатиян белгиланган тарифлар бўйича ҳисоб-китоб қилган ҳолда фуқароларнинг қабристонда кўрсатиладиган хизматларга доир буюртмаларини ўз вақтида ва сифатли бажарилишини;

Қабристонларда бюстлар, ҳайкалтарошлик ёдгорликлари ёки алоҳида архитектура шаклига эга бўлган иншоотларни ўрнатиш, обектларни сақлаш ва улардан фойдаланиш қоидаларига риоя этилишини таъминласин.

4. Қарор матни ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин ҳамда “Ромитаннома” газетаси бош муҳаррири (М.Атоева) ушбу қарор матнини “Ромитаннома” газетасида чоп этилишини таъминласин.

5. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокими ўринбосари А.Шодиев зиммасига юклатилсин.

Tuman hokimi **Barnoyev U. I.**

Romitan tuman hokimining
2022 yil 13 dekabrdagi
572-2-40-Q/22-son qaroriga
1-ilova

Ромитан туманидаги қабристонларда дафн этиш хизматларини кўрсатиш бўйича

ТАРИФЛАР МИҚДОРИ

Т\р	Хизмат тури	Ўлчов бирлиг	Базавий ҳисоблаш миқдорига нисбатан (фоиз ҳисобида)
1	Қабр учун (диний мансублигидан қатий назар катта ўлчамда)	Бир ўринга	50 %
2	Тегишли диний конфессия қабристонида вафот этган яқинлари ва қариндошларини дафн этиш учун участка олиш	Бир ўринга	50 %
3	Қабр учун (диний мансублигидан қатъий назар кичик ўлчамда)	Бир ўринга	30 %
4	Қабр учун (диний мансублигидан қатъий назар 3 ёшгача	Бир ўринга	Бепул
5	Маросим хизматларидан фойдаланиш	1 кунга	Бепул
6	Қабрга ва қабр усти ёдгорликларига қараш учун қабристон анжомларидан фойдаланиш	1 ўрин кунига	Бепул

Изоҳ: Ромитан туманида қабристонларда дафн этиш хизматларини кўрсатиш бўйича таърифлар миқдори базавий ҳисоблаш миқдори ортишига мутаносиб равишда дафн этиш хизматларини кўрсатиш бўйича таърифлар миқдори ҳам ортади.